



ИНФРАТУЗИЛМА РИВОЖЛАНИШИНING МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТДАГИ ЎРНИ

Каримов Бехруз

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги
“Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг
илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот маркази
ORCID: 0009-0004-6252-2688

Bexruz.Karimov@imv.uz

Аннотация. Мақолада инфратузилманинг миллий тараққиётдаги ўрни ва аҳамияти назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилинган. Хусусан, инфратузилма тармоқларини ривожлантиришнинг иқтисодий ўсиш, ҳудудий барқарорлик ва ижтимоий фаровонликка кўрсатаётган таъсири очиқ берилган. Шунингдек, инфратузилмага инвестициялар жалб қилиш, давлат-хусусий шериклик асосида молиялаштириш ҳамда рақамлаштириш жараёнларининг миллий тараққиёт стратегиясидаги ўрни илмий асосланган. Хулоса қилиб, миллий тараққиётнинг барқарор ва самарали йўналишларини таъминлашда инфратузилмани инновацион асосда ривожлантириш муҳим омил экани таъкидланган.

Калит сўзлар: инфратузилма, миллий тараққиёт, иқтисодий ўсиш, инвестиция, давлат-хусусий шериклик, рақамлаштириш, барқарор ривожланиш.

РОЛЬ РАЗВИТИЯ ИНФРАСТРУКТУРЫ В НАЦИОНАЛЬНОМ ПРОГРЕССЕ

Каримов Бехруз

Научно-исследовательский центр
«Научные основы и проблемы развития экономики Узбекистана»
при Ташкентском государственном экономическом университете

Аннотация. В статье теоретически и практически проанализированы роль и значение инфраструктуры в национальном развитии. В частности, раскрыто влияние развития инфраструктурных отраслей на экономический рост, региональную устойчивость и социальное благосостояние. Также обоснована роль привлечения инвестиций в инфраструктуру, финансирования на основе государственно-частного партнёрства и процессов цифровизации в стратегии национального развития. В заключение подчёркивается, что инновационное развитие инфраструктуры является важным фактором обеспечения устойчивых и эффективных направлений национального прогресса.

Ключевые слова: инфраструктура, национальное развитие, экономический рост, инвестиции, государственно-частное партнёрство, цифровизация, устойчивое развитие.

THE ROLE OF INFRASTRUCTURE DEVELOPMENT IN NATIONAL PROGRESS

Karimov Bekhruz*Scientific Research Center "Scientific Foundations and Problems of the Development of the Economy of Uzbekistan" under Tashkent State University of Economics*

Abstract. *The article analyzes the role and significance of infrastructure in national development from both theoretical and practical perspectives. It examines the impact of infrastructure development on economic growth, regional stability, and social welfare. The study also substantiates the importance of attracting investments into infrastructure, financing through public-private partnerships, and digitalization processes within the framework of the national development strategy. The conclusion emphasizes that innovative infrastructure development is a crucial factor in ensuring sustainable and effective directions of national progress.*

Keywords: *infrastructure, national development, economic growth, investment, public-private partnership, digitalization, sustainable development.*

Кириш.

Жаҳон амалиётида инфратузилма сармояларининг иқтисодий ўсишга таъсири кенг ўрганилган бўлиб, аксарият тадқиқотларда уларнинг ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ўсишига кучли мультипликатор таъсири мавжудлиги таъкидланади. Масалан, World Bank (2023) таҳлилларида қайд этилганидек, инфратузилмага йўналтирилган ҳар бир 1 доллар сармоя ўртача 1,2–1,6 доллар қўшимча ЯИМ ўсишига хизмат қилади. Шу билан бирга, мазкур кўрсаткич мамлакатнинг инфратузилма сифатидан, унинг самарадорлиги ва бошқарув механизмларидан келиб чиқиб турлича бўлиши мумкин. Бошқача айтганда, инфратузилма сармояларининг иқтисодий самараси унинг қай даражада узоқ муддатли стратегик режалар ва давлат-хусусий шериклик асосида амалга оширилишига бевосита боғлиқ.

Ўзбекистонда ҳам инфратузилма ривожлантириш миллий тараққиётнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон фармони ҳамда соҳавий дастурларда энергетика тармоқларини модернизация қилиш, транспорт-логистика инфратузилмасини ривожлантириш, сув таъминоти ва ирригация тизимини такомиллаштириш, рақамли инфратузилмани кенгайтириш каби йирик лойиҳалар устувор аҳамият касб этмоқда.

Адабиётлар шарҳи.

Инфратузилма иқтисодий тизимнинг узлуксиз фаолияти учун зарур бўлган моддий-техникавий объектлар, ташкилий тузилмалар ва хизмат кўрсатувчи тармоқлар мажмуасидан иборат бўлиб, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва бозор муносабатларини ривожлантиришда асосий пойдевор вазифасини бажаради. У нафақат иқтисодий жараёнларни таъминлайди, балки ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва аҳоли фаровонлигига ҳам бевосита таъсир кўрсатади. Шунинг учун инфратузилма турли иқтисодий назарияларда турлича талқин этилса-да, унинг умумий мақоми барқарор тараққиётнинг узвий қисми сифатида қаралади.

Классик иқтисодий мактаб вакиллари: Смит ва Рикардо иқтисодиётга давлатнинг аралашуви минимал бўлиши лозимлигини илгари сурганлар. Бироқ улар умумфойдаланиш инфратузилмасини (йўллар, кўприklar, портлар, сув йўллари) давлатнинг асосий вазифаларидан бири сифатида эътироф этган. Хусусан, Смит (1776)

ўзининг “Миллатлар бойлиги” асарида транспорт йўллари ва коммуникация воситалари ички ва ташқи савдо ҳажмини кенгайтириши, рақобат муҳитини кучайтириши ва иқтисодий ўсишга туртки бериши ҳақида алоҳида таъкидлайди. Давлатнинг ушбу соҳадаги иштироки “қўлдан келмайдиган хусусий инвестицияни” қоплашга қаратилгани таъкидланади.

Неоклассик моделларда инфратузилманинг роли аввал бошда етарлича кўзга ташланмаган. Солоунинг ўсиш назариясида (1956) инфратузилма мустақил ўзгарувчи сифатида киритилмаган бўлса-да, кейинчалик давлат капиталини ишлаб чиқариш функциясига қўшиш орқали унинг иқтисодий самарадорлик ва маҳсулдорликка таъсири илмий жиҳатдан тадқиқ этилди. Масалан, Барро (1990) ўз тадқиқотларида инфратузилма сармояларини иқтисодий ўсишнинг муҳим детерминанти сифатида баҳолайди ва давлат сармоялари ҳамда хусусий сармоялар ўртасидаги комплементарликни кўрсатади.

Шу тариқа, классик ва неоклассик мактаблардан келиб чиққан хулоса шуки, инфратузилма бозор иқтисодиётининг табиий бир қисми эмас, балки давлат томонидан қўллаб-қувватланадиган, узоқ муддатли барқарорликка хизмат қилувчи омил сифатида қаралади.

Кейнс иқтисодий назариясида давлат сармоялари, айниқса инфратузилмага йўналтирилган харажатлар, иқтисодий рецессиядан чиқиш ва умумий талабни рағбатлантиришнинг асосий механизми сифатида қаралади (Keynes, 1936; Harrod, 1939; Domar, 1946). Бу мактаб вакиллари фикрига кўра, инфратузилмага йўналтирилган сармоялар иш ўринлари яратиш, иш ҳақини ошириш ва иқтисодий тикланиш жараёнларини тезлаштириш орқали миллий иқтисодиётнинг қайта тикланишига хизмат қилади. Масалан, йирик инфратузилма лойиҳалари орқали “мультипликатор таъсири” юзага келиб, иқтисодиётнинг турли соҳаларида талаб ва таклиф мувозанати тикланади.

Эндоген ўсиш назарияси (Romer, 1990; Lucas, 1988) эса инфратузилмани инсон капитали ва инновация жараёнлари билан узвий боғлиқ ҳолда узоқ муддатли иқтисодий ўсишнинг асосий драйвери сифатида талқин қилади. Бу ерда инфратузилма нафақат моддий актив сифатида, балки билимлар тарқалиши, технологиялар трансфери ва ишчи кучининг самарадорлиги орқали иқтисодий ўсишга узоқ муддатли таъсир кўрсатувчи омил сифатида намоён бўлади. Инфратузилманинг ривожланиши инновацион фаолиятни рағбатлантиради, тадбиркорлик муҳитини яхшилади ва глобал рақобатбардошликни таъминлайди.

Минтақавий тараққиёт назариялари (Perroux, 1950; Boudeville, 1966) инфратузилмани ҳудудий ўсиш марказлари атрофида иқтисодий марказларни шакллантириш ва инвестицияларни жалб қилишда муҳим восита сифатида кўради. Унинг ёрдамида иқтисодий ривожланиш марказлари кенг ҳудудларга тарқалади, ҳудудий тенгсизликлар қисқаради ва ишлаб чиқариш самарадорлиги ошади. Шунингдек, Кругманнинг янги иқтисодий география назариясида (1991) транспорт харажатларининг камайиши кластерлашув жараёнларини кучайтиради, ҳудудлар ўртасидаги интеграцияни тезлаштиради ва бозор миқёси самараларини оширади.

Шунинг учун замонавий иқтисодий назариялар инфратузилмани иқтисодий ўсишнинг асосий стратегик драйвери сифатида баҳолайди. У ишлаб чиқариш самарадорлигини оширибгина қолмай, инсон капитали ривожини, инновация жараёнлари ва ижтимоий барқарорликка ҳам туртки берувчи узвий платформа ҳисобланади.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Инфратузилма иқтисодиётда ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурслар тақсмотини оптималлаштирувчи асосий механизм сифатида хизмат қилади. Биринчи навбатда, у ишлаб чиқариш харажатларини камайитириш орқали рақобатбардошликни

оширади. Масалан, самарали транспорт йўллари, темир йўл тармоқлари ва энергия таъминоти корхоналарнинг логистика харажатларини қисқартиради, бу эса маҳсулот таннархини пасайтиради ҳамда аҳоли учун арзонроқ нархларда маҳсулот етказиб бериш имконини яратади.

Шу билан бирга, инфратузилманинг ривожланиши ресурслар айланишини тезлаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Сифатли йўллар, рақамли тармоқлар ва логистика марказлари орқали товарлар ҳамда хизматларнинг бозорга чиқиши тезлашади, бу эса бозорларда рақобат муҳитини кучайтиради ва сифат ҳамда самарадорликни оширади. Масалан, рақамли инфратузилманинг кенгайиши электрон тижоратнинг ўсишига, трансакция харажатларининг камайишига ва кичик бизнес учун янги имкониятларнинг очилишига хизмат қилади.

Инфратузилманинг юқори даражада ривожланганлиги шунингдек инвестиция муҳитини яхшилайди. Хорижий ва маҳаллий сармоядорлар инвестиция киритишдан олдин, кўп ҳолларда, инфратузилма ҳолатига эътибор қаратадилар. Чунки ривожланган инфратузилма сармоялар учун хавф-хатарларни камайтиради ва фаолият юритиш самарадорлигини таъминлайди. Шундай қилиб, инфратузилма иқтисодиётда сармоя жалб қилишнинг асосий омилларидан бири сифатида намоён бўлади (Calderón & Servén, 2004).

Инфратузилма нафақат иқтисодий, балки ижтимоий ривожланишнинг ҳам муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Аввало, ижтимоий барқарорликни таъминлашда инфратузилманинг ўрни катта. Таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш тизими, уй-жой қурилиши ва рақамли хизматлар инсон капитали сифатини оширади, меҳнат унумдорлигини кўтарди ва аҳоли турмуш даражасини яхшилайди. Бундай инфратузилма турлари иқтисодий ўсиш билан бир қаторда аҳоли фаровонлигини ҳам таъминлайди, ижтимоий адолат ва тенгликка ҳисса қўшади.

Шунингдек, инфратузилма ҳудудий тенглаштиришда муҳим восита ҳисобланади. Марказдан узоқ ҳудудларда транспорт, энергетика ва рақамли инфратузилмани ривожлантириш орқали иқтисодий фаолият кенг ҳудудларга тарқатилади, ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий фарқлар қисқаради. Масалан, қишлоқ жойларда интернет тармоқларининг кенгайиши ёки электр таъминотининг барқарор йўлга қўйилиши аҳолига янги иш ўринлари ва тадбиркорлик имкониятлари яратади, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ўртасидаги турмуш даражаси тафовутини камайтиради. Натижада, инфратузилма нафақат иқтисодиёт самарадорлиги, балки ижтимоий бирдамлик, ҳудудий барқарорлик ва узоқ муддатли тараққиётнинг ҳам асосий драйвери сифатида намоён бўлади.

Иқтисодий ўсиш билан бир қаторда, инфратузилма ривожланиши жамият учун кўп томонлама ижтимоий натижаларни ҳам таъминлайди. Бундай самаралар инсон капитали сифати, камбағалликни қисқартириш, ижтимоий тенглик ва аҳоли турмуш даражасига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади.



1-расм. Инфратузилманинг ижтимоий самаралари

Манба: муаллиф ишланмаси.

1-расмни изоҳлайдиган бўлсак, даставвал, инсон капитали ривожланишини оладиган бўлсак, унда замонавий инфратузилма объектлари: йўллар, электр энергияси ва интернет тармоқлари, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимлари учун қулай шароит яратади. Масалан, қишлоқ ҳудудларида интернет тармоқларининг кенгайиши масофавий таълим ва тиббий хизматларнинг оммалашишига олиб келади. Бу эса билим ва кўникмаларни ошириш орқали меҳнат унумдорлигини кучайтиради, инновация жараёнларига йўл очади ва инсон капитали сифатини оширади (UNDP Human Development Report, 2022).

Инфратузилманинг ривожланиши янги иш ўринларини яратиш, хизматлар сифати ва уларнинг қамровини ошириш орқали паст даромадли аҳоли қатламларининг иқтисодий фаоллигини кучайтиради. Масалан, транспорт тармоқлари кенгайиши кичик тадбиркорлик ва деҳқон хўжаликларига маҳсулотни бозорга чиқариш имконини бериб, уларнинг даромадини кўпайтириши мумкин. Шу йўл билан инфратузилма камбағалликдан чиқишнинг муҳим воситаси сифатида намоён бўлади.

Қишлоқ ҳудудларида транспорт, электр ва рақамли инфратузилманинг ривожланиши аёллар ва ёшлар учун янги иш ва тадбиркорлик имкониятларини яратади. Масалан, масофавий иш фаолияти ва онлайн хизматлар аёлларнинг меҳнат бозоридаги иштирокини кенгайтиради, уларнинг молиявий мустақиллигини кучайтиради. Шу билан бирга, ҳудудий тенглик таъминланиб, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ўртасидаги турмуш даражаси тафовути қисқаради. Бу эса ижтимоий бирдамликни кучайтиради ва кенг қамровли инклюзив тараққиётга хизмат қилади.

Кўпгина ривожланаётган мамлакатларда инфратузилма лойиҳаларининг қимматга тушиши ва маҳаллий молиявий ресурсларнинг чекланганлиги сабабли ташқи молия манбалари, жумладан халқаро молия институтлари, хорижий тўғридан-тўғри инвестициялар, расмий ривожланиш ёрдами ҳамда давлат-хусусий шерикликлари кенг жалб қилинади. Классик молиявий назария нуқтаи назаридан, қарз орқали молиялаштириш келгуси даромадларни ҳозирги сармояларга йўналтириш имкониятини яратиб, иқтисодий ўсиш жараёнларини тезлаштириши мумкин (Багго, 1990). Бироқ ташқи қарз миқдорининг ортиқча бўлиши иқтисодий барқарорликка салбий таъсир кўрсатиши эҳтимоли мавжуд. Бу ҳолат “debt overhang” (қарз миқдори юқори бўлганда, янги сармоялар орқали олинadиган фойда асосан қарзни қайтаришга йўналиб кетади. Шу сабабли хусусий сектор ва хорижий инвесторлар янги инвестиция киритишдан қочади) гипотезасида изоҳланган бўлиб, мамлакат қарз юки юқори даражада бўлганда хусусий сектор сармоялари пасайиши ва инвестиция муҳити ёмонлашиши кузатилади (Imbs, 2005). Шу нуқтаи назардан, инфратузилма сармояларини ташқи қарз ҳисобидан амалга оширишда лойиҳалар самарадорлиги, молиявий барқарорлик ва қарзни ўз вақтида қайтариш қобилияти устувор мезон сифатида баҳоланиши зарур.

Бошқа ташқи молия шакллари ҳам турлича таъсир кўрсатади. Масалан, хорижий тўғридан-тўғри инвестициялар кўпроқ жисмоний инфратузилмани ривожлантиришда самарали бўлиб, инвестиция муҳитини яхшилади ва узоқ муддатли капитал жалб қилиш имконини яратади. расмий ривожланиш ёрдами эса баъзи ҳолларда ижобий самара бериши мумкин, аммо етарли бошқарув тизими мавжуд бўлмаса, коррупция ва самарасизлик хавфини кучайтиради. Шу билан бирга, давлат-хусусий шериклик моделлари самарадорликка эришиш ва хусусий сектор капиталини жалб қилишда муҳим восита саналади, аммо уларнинг муваффақияти хавфларни тўғри тақсимлаш ва кучли институционал механизмларга боғлиқ.

Шу тариқа, ташқи молиялаштириш инфратузилма ривожланишида зарур омил ҳисобланса-да, унинг ижобий натижаси учун давлатнинг самарали бошқаруви, хавфни таҳлил қилиш ва ички ресурслар билан уйғунлаштирилган стратегия муҳим аҳамият касб этади.

Инфратузилманинг иқтисодий ва ижтимоий самаралари

Йўналиш	Асосий мазмун
Иқтисодий самаралар	- узоқ муддатли иқтисодий ўсишнинг эндоген драйвери; - хусусий сектор маҳсулдорлигини ошириш; - ЯИМ ҳажмини кенгайтириш.
Мультипликатив таъсир	- инфратузилмага сармоялар ишлаб чиқариш занжирини рағбатлантиради; - хусусий сармояларни жалб қилади.
Ижтимоий самаралар	- инсон капитали сифатини ошириш (таълим, соғлиқни сақлаш); - ҳудудий тенгликни таъминлаш. - Камбағалликни қисқартириш.
Молиялаштириш хусусиятлари	- ривожланаётган мамлакатларда ташқи молия манбалари зарур; - қарзни самарали бошқариш ва макроиқтисодий барқарорлик ҳал қилувчи омил.

Манба: муаллиф ишланмаси.

Жавдални таҳлил қиладиган бўлсак, инфратузилма узоқ муддатли иқтисодий ўсишнинг эндоген драйвери сифатида иқтисодиётда инсон капитали ривож ва инновация жараёнлари билан узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Эндоген ўсиш назарияси нуқтаи назаридан, инфратузилмага йўналтирилган сармоялар фақат моддий активларни яратиш билан чекланиб қолмай, балки билимлар алмашинуви, технологияларни жорий этиш ва ижтимоий капитални мустаҳкамлаш орқали узоқ муддатли ўсиш суръатларини таъминлайди.

Мультипликатив самара туфайли инфратузилмавий сармоялар хусусий сектор маҳсулдорлигини оширади, ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтиради ҳамда умумий ялпи ички маҳсулот ўсишини рағбатлантиради. Жаҳон банки ва халқаро амалиётда олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, инфратузилмага сарфланган ҳар бир бирлик маблағ иқтисодиётда бир неча баробар қўшимча қиймат яратиши мумкин.

Инфратузилманинг ижтимоий самаралари ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, улар инсон капитали сифати ошиши, ҳудудий номуносибликларни қисқартириш ва камбағалликни йўқотиш орқали барқарор тараққиёт учун зарур пойдевор яратади. Самарали транспорт ва рақамли инфратузилма таълим ва соғлиққа кенгроқ имкониятлар очади, иш ўринларини кўпайтириб, ижтимоий адолат ва фаровонликка туртки беради.

Шу билан бирга, ривожланаётган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, инфратузилмани ривожлантириш кўп ҳолларда ташқи молия манбалари: хорижий тўғридан-тўғри инвестициялар, расмий ривожланиш ёрдами ва давлат-хусусий шерикликлар ҳисобига амалга оширилади. Бироқ бундай ҳолларда макроиқтисодий барқарорликни сақлаш, қарз юкини самарали бошқариш ва сармояларнинг қайтарилишини таъминлаш ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Фақат ана шундай комплекс ёндашув орқали инфратузилманинг иқтисодий ва ижтимоий самараларидан тўлақонли фойдаланиш мумкин бўлади.

Хулоса ва таклифлар.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда транспорт ва логистика коридорлари, энергетика қувватлари, рақамли инфратузилма ҳамда ижтимоий хизматлар соҳасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу жараён мамлакатнинг халқаро транспорт йўлаклари билан интеграциялашувини кучайтириш, энергетик мустақилликни таъминлаш ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш учун муҳим пойдевор ҳисобланади. Бироқ мамлакат ҳудудларида инфратузилма тараққиёти ҳануз номуносиб, айрим йўналишларда молиялаштириш етарли эмас ва лойиҳаларнинг

қайтарма самарадорлигига баҳо бериш механизмлари тўлиқ шаклланмаган. Шу боис инфратузилмани ривожлантиришда тизимли ёндашув зарур.

Шу асосда қуйидаги тавсиявий йўналишлар илгари сурилади:

Биринчидан, инфратузилма лойиҳаларининг самарадорлик индексини жорий этиш зарур. Ҳар бир йирик лойиҳа учун ЯИМга таъсир, иш ўринлари яратилиши, ижтимоий тенглик ва экологик барқарорлик каби кўрсаткичлар орқали баҳолаш тизимини йўлга қўйиш орқали лойиҳаларни устуворлик даражаси бўйича саралаш мумкин. Бу иқтисодий самарадорлик билан бир қаторда ижтимоий ва экологик натижаларни ҳам комплекс ҳисобга олиш имконини яратади.

Иккинчидан, ташқи қарздан мақсадли ва чекланган фойдаланиш муҳим. Қарз маблағлари фақат иқтисодий қайтарими юқори бўлган ва мамлакатнинг тўлов қобилиятини оширадиган лойиҳаларга йўналтирилиши лозим. Бу, ўз навбатида, қарз барқарорлигини таъминлайди ва келгуси бюджет юкини камайтиради.

Учинчидан, минтақавий мувозанатни кучайтириш зарур. Инфратузилма сармояларини Тошкент ва йирик саноат марказларидан ташқари ҳудудларга йўналтириш орқали ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий фарқни қисқартириш мумкин. Бу ички бозорда талаб ва ишлаб чиқариш манбаларини диверсификация қилади ҳамда ижтимоий барқарорликни таъминлайди.

Тўртинчидан, хусусий сектор ва давлат-хусусий шериклик (ДХШ) механизмларини кенгайтириш зарур. Давлат бюджетининг юкини камайтириш билан бирга замонавий бошқарув тажрибаси ва инновацион технологияларни жалб этиш учун йирик инфратузилма лойиҳаларида хусусий сармояларни кенг жалб қилиш мақсадга мувофиқ.

Бешинчидан, рақамли инфратузилмага устувор эътибор қаратилиши керак. Ахборот-коммуникация тармоқларига сармоя қишлоқ ҳудудларида таълим, соғлиқ ва тадбиркорлик имкониятларини кенгайтириш, меҳнат бозорини диверсификация қилиш ва умумий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Шу орқали мамлакатнинг рақамли иқтисодиётга интеграция жараёни тезлашади.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу йўналишларни амалга ошириш орқали Ўзбекистонда инфратузилма сармояларининг мултипликатив таъсири кучаяди, ташқи молия манбалари самарали йўналтирилади ва барқарор миллий тараққиёт учун мустаҳкам асос яратилади.

Адабиётлар / Literature/References:

Barro, R. J. (1990). Government Spending in a Simple Model of Endogenous Growth. *Journal of Political Economy*, 98(5), S103–S125. <https://doi.org/10.1086/261726>

Boudeville, J. R. (1966). *Problems of Regional Economic Planning*. Edinburgh: Edinburgh University Press. ISBN: 9780852240005

Calderón, C., & Servén, L. (2004). *The Effects of Infrastructure Development on Growth and Income Distribution. Working Paper, Central Bank of Chile*.

Domar, E. D. (1946). Capital Expansion, Rate of Growth, and Employment. *Econometrica*, 14(2), 137–147. <https://doi.org/10.2307/1905364>

Harrod, R. F. (1939). An Essay in Dynamic Theory. *Economic Journal*, 49(193), 14–33. <https://doi.org/10.2307/2225181>

Imbs, J. (2005). *The Overhang Hangover*. World Bank Policy Research Working Paper No. 3673.

Keynes, J. M. (1936). *The General Theory of Employment, Interest and Money*. London: Macmillan. Full text (Project Gutenberg Australia)

Krugman, P. (1991). Increasing Returns and Economic Geography. *Journal of Political Economy*, 99(3), 483–499. <https://doi.org/10.1086/261763>

Lucas, R. E. (1988). *On the Mechanics of Economic Development*. *Journal of Monetary Economics*, 22(1), 3–42. [https://doi.org/10.1016/0304-3932\(88\)90168-7](https://doi.org/10.1016/0304-3932(88)90168-7)

Perroux, F. (1950). *Economic Space: Theory and Applications*. *Quarterly Journal of Economics*, 64(1), 89–104. <https://doi.org/10.2307/1881960>

Romer, P. M. (1990). *Endogenous Technological Change*. *Journal of Political Economy*, 98(5), S71–S102. <https://doi.org/10.1086/261725>

Smith, A. (1776). *An Inquiry into the Nature and Causes of the Wealth of Nations*. London: W. Strahan and T. Cadell.

Solow, R. M. (1956). *A Contribution to the Theory of Economic Growth*. *Quarterly Journal of Economics*, 70(1), 65–94. <https://doi.org/10.2307/1884513>

UNDP (2022). *Human Development Report 2022*. New York.

World Bank. *Uzbekistan Infrastructure Governance Assessment (2023)*
<https://documents.worldbank.org/en/publication/documents-reports/documentdetail/099120723131526176>